

Шариат маҳкамаси масжид ўғрисига оқилона ҳукм чиқарди



10:11 / 20.08.2021 2700

Нигерияда масжидни талаган эркак ўғрига шариат маҳкамаси томонидан ғайриоддий ҳукм ўқилди.

Дам олиш куни Кано штатининг Фагге туманидаги масжид талон-тарож қилинган. Жиноятчи ибодатхонадан Қуръоннинг 8 нусхасини ўғирлаб кетган. Худди шу куни полиция маҳаллий аҳоли Халифа Абдуллоҳни ўғирликда гумон қилиб ҳибсга олган.

Шариат судида эркак жиноятни тан олган ва қози Белло Мусо Холид ўғрига 30 кун масжид ва унинг атрофини супуриб тозалаб ташлашга ҳукм қилган. Бу ҳақда Premium Times нашрига асосланиб, IslamNews хабар беради.

Таъкидлаш жоизки, ҳукми ижро этиш маҳкум учун осон иш бўлмайди, чунки у Кано штатидаги энг катта масжидни талон-тарож қилган ва жиноятчи ҳар куни минглаб квадрат метрга супурги олиб юриши керак бўлади. Шариат судьясининг маълумот беришича, бундай касбий терапия нигерияликни келажакда жиноят содир этишдан қайтаради.